

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-мартида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 2294,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 5,8 фоизга тенг бўлди.


2018 йил январь-март ойларида ЯХМ дефлятор индекси 137,7 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	1575,5	2294,2	105,8
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1467,1	2036,3	105,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	108,4	257,9	105,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1467,1	2036,3	105,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	52,6	71,1	102,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	605,7	997,2	107,4
саноат	476,9	817,3	104,3
қурилиш	128,8	179,9	119,1
Хизматлар	808,8	968,0	104,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	136,4	168,4	102,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	182,7	198,1	104,3
бошқа хизматлар	489,7	601,5	105,7

Январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби

(жамига нисбатан фоизда)



Жорий йилнинг январь-март ойларида республиканинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (107,4%) тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат ҳамда хизматлар (104,8) ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-мартда 35,7 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда ялпи худудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 47,6 фоиз (2017 йил январь-мартда 55,1 фоиз)ни ташкил қилди.